

# ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

1928 yil 11 dekabrda asos solingan

## Ҳамкорлик

### ТУРКИЯ ЭЛЧИСИ НУРАФШОНГА КЕЛДИ

Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси жаноб Олган Бекар билан мулоқот ўтказди.

Унда бизнес алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳудудларда интенсиф бог ва тоқзорларни барпо қилиш, мевани қайта ишлаш технологияларини кенг жорий этиш, енгил саноат, туризм, қурилишга доир лойиҳалар хусусида музокаралар олиб борилди. Оқиб ва самимий руҳда ўтган суҳбат давомида Олган Бекар учрашув учун Зойир Мирзаевга миннатдорлик билдириб, Тошкент вилоятидаги мавжуд имкониятлар, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган турк бизнесменларининг асосий қисми ушбу ҳудудда иш олиб бораётгани ва улар учун яратилаётган шароитларни алоҳида қайд этди.

– Бўстонлиқ туманига олиб борадиган 90 километр йўл бўйида хизмат кўрсатиш, замонавий мактаб лойиҳаларини рўёбга чиқаришимиз керак. Нурафшон марказида ҳам катта ҳажмда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Албатта, бу ишларда тажрибали мутахассислар зарур. 50 га яқин кичик саноат зоналаримиз бор. Қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби бир қанча йўналишларда тажрибаси етарли мутахассислар бўлса, биз билан ҳамкорликда ишласа, зарур шароитни яратиш беришга доим тайёрмиз, – деди жумладан Зойир Мирзаев.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг изчил ривожланиб бораётгани қайд этилган дўстона мулоқотда ўртага ташланган масалалар юзасидан яқин фурсатларда туркиялик мутахассислар билан учрашув ташкил этишга келишиб олинди.

## Жараён

### ҲОКИМ ЧИНОЗЛИКЛАР ҲУЗУРИДА


Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев Чиноз туманидаги "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғинида олиб борилган ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Маҳаллада 2 минг 700 нафардан зиёд аҳоли яшайди, 512 та хонадон ва 680 та оила мавжуд. Айни пайтда кўчаларни ободонлаштириш, ички йўлларни шағаллаштириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти.

Вилоят раҳбари ҳудуд мутасаддилари, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси ва фаоллар билан бирга ички кўчаларни айланди. Аҳоли муаммоларини тинглади. Жойлардаги иссиқхона хўжалиқларида парваришланаётган помидор ҳосилини кўздан кечириб, соҳа мутахассислари билан суҳбатлашган Зойир Мирзаев бу борадаги ишларни янада ривожлантириш, маҳсулот этиштириш ҳажминини ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Шунингдек, Зойир Мирзаев тумандаги "Яхши ният" маҳалласида ҳам бўлди. Худуддаги Т. Эрнazarov номли туғуруқ комплексида аёлларга қўлайлик яратиш юзасидан мутасаддилар билан фикрлашди. Кўтарилган масалалар юзасидан зарур маблағлар ажратилган бўлди.

*Тошкент вилояти – она диёри-  
мизнинг бебаҳо жавоҳирлар маржони.  
Сўлим Бўстонлиқ туманидаги олис тоғ-  
ли Пском қишлоғи, ҳеч шубҳасиз, ана  
шу маржондаги ноёб дурдонадир.*



## ОНА ДИЁРИМИЗ ОСТОНАСИ ПСКОМДАН БОШЛАНАДИ

Олис қишлоқда икки кун



*Пскоми* – вилоятимизнинг шимоли-шарқидagi энг чекка қишлоқ. Кўёш ҳар тонг Пскомдан чиқиб, бутун мамлакатга нур сочади. У шоир таърифлаган оқсоч Тянь-Шань тоғлар платформасидаги Угом-Чотқол давлат табиат миллий боғи бағрида ястанган фусункор гўшадир. Туман маркази – Ғазалкент шаҳридан қарийб 90 километр олисда жойлашгани, чор тарафидан ҳайбатли тоғлар қуршаб турганининг ўзиёқ бу ажиб ва сирли қишлоқ ҳақида ғаройиб тасаввурлар беради.

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев ташаббуси билан ҳоким бошчилигидаги сектор раҳбарлари, вилоят фаоллари, кўплаб мутасаддилар халқ билан мулоқот қилиш, чекка қишлоқ аҳлининг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш учун мана шу ерда жамулжам бўлдилар.

4



ИЧМЛИК  
СУВИ ТАЪМИНОТИ:  
БУГУННИНГ  
МУҲИМ  
ТАЛАБИ

Мамлакатимизнинг янги ривожланиш босқичида барча соҳалар қатори атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, хусусан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 февраль кунини ҳудудларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида охириги беш йилда мазкур соҳага 10 триллион сўм ёки олдинги йилларга нисбатан 5 баравар кўп маблағ ажратилгани, бу даврда 6 миллион 500 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминлангани алоҳида таъкидланди.

Шунга қарамай, бугунги жадал ривожланиш даврида аҳолининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш хизматлари кўрсаткичлари давр талабидан ортда қолмоқда, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликлар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шу боис, йиғилишда Ўртбошимиз томонидан келгуси беш йилда бу соҳага 40 триллион сўм инвестиция жалб қилиб, ичимлик суви таъминотини 90 фоиз, оқова сув қамровини 35 фоизга етказиш режалаштирилгани, жорий йилда бу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион сўм ҳамда 245 миллион доллар жалб этилгани кўрсатиб ўтилди.

Айтиш жоизки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсадларида ҳам ушбу масалага устувор аҳамият қаратилди. Хусусан, стратегиянинг 34-мақсадида Республика аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 87 фоизга етказиш, 32 та йирик шаҳарлар ва 155 та туман марказларида оқова сув тизимларини янгилаш вазифалари белгиланди. Шунингдек, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматларини кўрсатишда кадрлар сифати ҳамда соҳада фаолиятни бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни таъминлаш белгилаб қўйилди.

3

## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

**ЧИРЧИҚ** шаҳар ҳокими Д. Хидоят «Eguytafo» компанияси бошқарувчилари билан учрашди. Мисрлик инвесторларнинг таъкидлашича, келгусида шаҳарда кўп-кўп инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, тенг шерикчилик асосида қуруқ трансформаторлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.


**АНГРЕН** шаҳар ҳокими Н. Абдураҳимов бошчилигида барча секторлар раҳбарлари ёшлар билан учрашди. Унда "Ёшлар дафтари"га киритилган йиғит-қизларнинг 7 нафарига тикув машиналари, компьютер жамламалари топширилди.

**БЕКОбОД** тумани аҳолиси баҳорги ободонлаштириш ишларини бошлаб юборишди. "Кичкина қишлоқ" ва "Тўқбой" қишлоғида ўтказилган ҳашарда ҳовли ва кўчалар тартибга келтирилиб, чиқиндилардан тозаланди. Тадбиркорлар ташаббуси билан кўчалар шағаллаштирилиб, замонавий тунги ёриткичлар ўрнатилди.

**ТОШКЕНТ** вилояти Ўрмон хўжалиги ва **ОЛМАЛИҚ** шаҳар Ободонлаштириш бошқармалари ҳамкорлигида шаҳарда дарахт экишни кўпайтириш мақсадида "Олмаликсой" маҳалласининг Файзулла Хўжаев кўчасида сотув шахобчаси ташкил этилди. Шаҳобчада ўнлаб турдаги мевали ва манзарали дарахт кўчатлари сотилмоқда.

**НУРАФШОН** шаҳридаги 4-сонли давлат ихтисослаштирилган ўрта умумтаълим мактабида Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 539 йиллиги муносабати билан «Буюк сиймолар» номли маърифий тадбир бўлди. Унда ўқувчилар Навоий ва Бобур ижодидан ғазаллар ўқишди, куй-кўшиқлар янгради. Яқунда «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан шаҳар бўлими томонидан ўқувчиларга китоблар тўплами ҳадя этилди.


**ЯНГИЙЎЛ** туманидаги 52-мактабда "Заковат" интеллектуал уйини ҳамда камондан ўқ отиш мусобақаси ўтказилди. Тадбир "Мингбулоқ" маҳалласи ёшлар етакчиси ташаббуси билан ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва уларга кўтаринки кайфият улашиш мақсадида уюштирилди. Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга китоблар топширилди.





**Учрашув**

**Т**ошкент вилояти ҳоқими вазифини бажарувчи Зойир Мирзаев Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалик шаҳридаги филиали талабалари билан учрашди.



Вилоят ҳоқими Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахмонов, «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ бошқаруви раиси Абдулла Хурсанов ва шаҳар ҳоқими Қобил Ҳамдамов ҳамроҳлик қилди.  
Дастлаб меҳмонларга филиалда рақамли муҳитни яратиш доирасида амал-

га оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида тақдимот қилинди. Филиалнинг 2021-2030 йилларга мўлжалланган стратегик ривожланиш концепциясининг асосий йўналишлари, уларнинг ОКМҚда амалга оширилаётган йирик инвестицион лойиҳалар билан уйғунлиги бўйича маълумот берилди.

# «МИСиС» ТАЛАБАЛАРИ УЧУН 3 ХИЛ СТИПЕНДИЯ

Шундан сўнг меҳмонлар бу ерда профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун яратилган шароитлар билан танишди. Зойир Мирзаев илмий-тадқиқот ва ўқув-тажриба хоналарини кўздан кечириб, масъулар билан суҳбатлашди. Айниқса, филиал ҳузурида ташкил этилган «Гис-геомикс» илмий-ўқув ва муҳандислик марказида олиб борилаётган тадқиқот ишлари алоҳида қизиқиш билдирилди.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда филиал профессор-ўқитувчилари томонидан Республика миқёсида муаммолари юзасидан жами 810 миллион сўмлик ҳўжа шартномалари имзоланган ва Инновацион ривожланиш вазири эълон қилган амалий мавзу бўйича 1 миллиард 288 миллион сўмлик илмий-тадқиқот ишлари бажарилмоқда. Мамлакатимиз ишлаб чиқариш

корхоналарида юзага келаётган илмий муаммолар бўйича 1,5 миллиард сўмдан ортиқ илмий-тадқиқот ишлари бажарилиши режалаштирилган.

Шу кунги университет профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан учрашув ўтказилди. Унда талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

– Иллануван ва интилуван ёшларимиз дунёнинг энг илғор тажрибаларини бориб ўзлаштирсин, – деди Зойир Мирзаев. – Бу борадаги билим ва кўникмаларини ўзимизда татбиқ этсин. Шу билан бирга, ёшлар миллийлигимиз ва маънавиятимизни унутмаслиги керак. Шундай ёшлар учун «Вилоят ҳоқими стипендияси»ни жорий этишимиз.

Шунингдек, инновацион ғоялар учун Инновацион ривожланиш вазирилик ва технологиялар йўналиши бўйича ОКМҚ АЖнинг стипендиялари берилиши бўйича дастур тайёрланадиган бўлди.

**Маҳалла ҳаёти**



## ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИДАН ТАҚДИМОТ

**Маълумки,** Президентимизнинг 2021 йил 3 декабрдаги «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоқим ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан Республикаимизнинг барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳоқим ёрдамчилари фаолиятини бошлади.



Жумладан, Тошкент вилоятидаги мингдан зиёд маҳаллаларда ҳам ҳоқим ёрдамчилари ўз ишини самарали ташкил этиб, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш орқали уларни банд қилиш ва камбағалликни қисқартириш борасида амалий ишларни олиб борапти.

Ўз навбатида, туман-шаҳар ҳоқимликлари томонидан ҳоқим ёрдамчиларига зарур қулайликлар яратиб берилмоқда.  
Жумладан, Оҳангарон шаҳридаги 21 та ҳоқим ёрдамчиларига компьютер жамланма-

си ва хизмат гувоҳномалари тарқатилди.  
Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят ҳоқимининг биринчи ўринбосари М. Файзиёв, шаҳар ҳоқими А. Эшонқулов ва Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи З. Йўлдошев иштирок этди.

Шунингдек, тадбирда ҳоқим ёрдамчилари ўзлари фаолият олиб бораётган маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича тайёрлаган «йўл харитаси» ларининг тақдимоти-ни ўтказилди.

**Адабий-бадий кеча**

## БУЮК СИЙМОЛАРГА ЭҲТИРОМ

Олмалик шаҳридаги «Металлург» маданият саройида Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунини муносабати билан адабий-бадий кеча ўтказилди.



Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шoir ва ёзувчилар, адабиётшунослар, олий таълим муассасалари ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда Алишер Навоий ва Мирзо Бобур издошлари бўлган истеъдодли шoir ва ёзувчилар мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Шу кунги сарой фойесида Алишер Навоий асарлари кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

Тадбирда Навоий асарларидан парчалар ўқилди. Таниқли санъаткорлар ижросидаги Бобур ғазаллари йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

**Заковат**



## Асосий мақсад – ёшлар фаоллигини ошириш

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 январдаги «Заковат» интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан, эндиликда интеллектуал ўйинларнинг республика босқичи ғолиб ва совриндорлари олий таълим муассасаларига базавий тўлов контракт асосида имтиҳон синовларисиз қабул қилинади. Бу эса ёшларнинг интеллектуал ўйинларга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Хусусан, Тошкент давлат аграр университетидеги Қибрай туманидаги «Бунёдкор», «Наврўз», «Ўнкўрган», «Бобур», «Маърифат» ва «Файзобод» маҳаллалари билан ҳамкорликда буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги ҳамда соҳ ва шoir Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 539 йиллиги муносабати билан «Заковат» мусобақаси ўтказилди. Унда ҳудудлардаги уюшмаган ёшлардан ташкил этилган олтита жамоа беллашди.

ёшларнинг фаоллигини оширади, – дейди «Агрологистика ва бизнес» факультети декани Тўйчи Хушвақтов. – Шунингдек, интеллектуал ўйинлар ёшларнинг билими, савиясини синновдан ўтказди.

Беллашув натижаларига кўра, «Наврўз» ва «Файзобод» маҳаллалари ёшларидан иборат «Kings man» жамоаси 17 балл билан биринчи, «Маърифат» маҳалласининг «Хумо» жамоаси 14 балл билан иккинчи, қолган жамоалар эса 11 баллдан тўплаб учинчи ўринни эгаллашди.

**Сухробжон САДИРОВ**  
Тошкент ҳақиқати/  
Аброр ЭСОНОВ  
олган сурат

**Ишлаб чиқариш**

## Паркент туманининг «Қизилсой» маҳалласида «Shabnam Elegant» тикув фабрикаси ўз фаолиятини йўлга қўйди.

Турли касб эгалари учун махсус кийимлар тикишга ихтисослашган мазкур корхона 2013 йилдан бери Тошкент шаҳрида шу ном билан фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамиятнинг филиалидир.

– Корхона Германия, Россия ҳамда Хитой давлатлари билан ҳамкорликда ишга туширилган, – дейди иш юритувчи Илҳом Хушвақтов. – Махсуслашган асо-



сан буюртма асосида тайёрланади. Ҳозирча фақат бир сменада ишлаяпмиз. Ходимлар сони тўлиқ бўлган узлуксиз ишлаш тизимини йўлга қўймоқчимиз.

Корхонада 300 та иш ўрни яратилган бўлиб, айни пайтда 150 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

## МАХСУС КИЙИМГА БУЮРТМА ОЛАМИЗ



Ишчиларнинг қарийб барчаси шу қишлоқлик аҳоли.  
– Корхонада ходимлар учун зарур қулайликлар яратилган, – дейди ишчи Севара Жабборовва. – Туш-

ликда иссиқ овқат берилади. Ойлик маошимиз яхши. Бу ерда иш ўрганиб, келгусида ўз тикув цехимни очмоқчиман.

Дарвоқе, корхона ишга тушган, нафақат аҳолининг бандлиги таъминланди, балки маҳалла ҳам обод бўлди. Илгари корхона ўрни-

да хароба бино бўлиб, атроф ҳам ташландиқ аҳволда эди. Ҳозирда ҳудуд анча ободонлаштирилди. Корхона ўз ҳисобидан қишлоқ йўлларини асфальт қилди.  
Келгусида вилоятда цехнинг яна бир филиалини ишга тушириш орқали янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

**Сухробжон САДИРОВ**  
Тошкент ҳақиқати/  
Аброр ЭСОНОВ  
олган суратлар

**Мономарказ фаолиятдан**

## ҲУНАРИ БОР ХОР БЎЛМАС



«Ҳунарли киши хор бўлмас», деган нақл бежиз айтилмаган. Инсон қандай касбни эгаллашадиган қатъи назар, қўшимча ҳунар ўрганса ҳаёти давомида, албатта, асқотади.

Мамлакатимизда ишсиз аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш энг самарали натижа бериши аплақачон ўз тасдиғини топиб улгурди. Бу борада Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қарор асосида дастлаб, республикада, кейин эса босқичма-босқич вилоятларда фаолияти йўлга қўйилган «Ишга марҳамат» мономарказлари фуқароларни касб-ҳунарга ўргатиш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга ҳисса қўша бошлади.

Вилоятимизда ҳам ана шундай марказ Оқўрғон туманидаги собиқ қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи биносида очилди. Бунинг учун бино қайта таъмирланди. Бу лойиҳани амалга ошириш учун 13 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

– Мономарказларни ташкил этишдан асосий мақсад ҳудудлардаги ишсиз, касб-ҳунари йўқ, банд бўлмаган фуқароларни қизиқишларига қараб ўқитиш, – дейди марказ раҳбари Гулираъно Умарова. – Ва албатта, уларни эгаллаган касблари



билан нафақат Ўзбекистонда, балки хориж меҳнат бозорига ҳам рақобатбардош касб эгаси қилиб тайёрлаш, шунингдек, доимий даромад эгасига айлантиришдан иборатдир. Бунинг учун барча шароитлар яратилган. Мономарказга энг малакали, кўп йиллик тажрибага эга муҳандис-усталар танлов асосида ишга олинган.

Мономарказда жами 5 та соҳа бўйича 29 та касб ва 5 та хорижий тилни ўқитиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда фуқаролар 18 та йўналишда ўқитилмоқда. Шу билан бирга, малака баҳолаш маркази, миграция бўлими каби бир нечта хизмат турлари ҳам йўлга қўйилмоқда.

Мономарказда касблар жаҳон «WorldSkills» дастурига асосан 30 фойаз назария ва 70 фойаз амалиётга таянган ҳолда ўқитилади. Битирувчиларга давлат намунасидаги ўрта махсус маълумотга тенглаштирилган сертификат ҳамда skills паспорти берилади.  
Мономарказда юк кўтартиш машина-



лари оператори, сантехника ва чилангарлик ишлари, пайвандлаш ишлари устаси, электромонтёр, тикувчи, сартарош, косметолог, ошпаз, қандолатчи, гипсокартонга ишлов бериш устаси каби йўналишларга ўқитиладиган хоналар Жаҳон банки томонидан замонавий асбоб-ускуна ва зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Бугунги кунда мономарказда турли ёшдаги 232 нафар тингловчи қизиқишларига кўра касб-ҳунарга ўқитилмоқда. Шундан 176 нафари туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази йўлланмаси, 56 нафари шартнома асосида қабул қилинган. Шунингдек, «Темир», «Аёллар» ва «Ёшлар» дафтларига киритилганлар ҳам ўқитилмоқда.

– Айниқса, ёш болалар учун энага, тарбиячи ёрдамчиси йўналишига талаб юқори, – дея давом этди Гулираъно опа. – Ушбу йўналишда 55 нафар тингловчимиз бор. Фуқаролар қайси йўналишни танлашмасин, муҳими, курсни тамомлаб, ўз ишини йўлга қўйиб, оилаларига даромад олиб киришса, қўзлаган мақсадиимизга

эришган бўлаамиз.  
– Ёшим 58 да, Оқўрғон туманида истиқомат қиламан, – дейди Баҳром Исмаилов. – Мономарказда электромонтёр касбига ўқияпман. Бу ерга туман АБКМ йўлланмаси билан келдим. Дарслар қизиқarli ва тушунарли бўлмоқда. Назарий билимларимизни амалда қўллаш учун шароитлар бор.

Яна бир муҳим жиҳати, марказга ўзлари хоҳлаб мактаб ўқувчилари ҳам келишмоқда. Ҳозирда 22 нафар ўқувчи дарсдан бўш вақтида марказга келиб ҳунар ўрганишмоқда. Улар мактабни битириш билан бирга ҳунарли ҳам бўлишади.

Шу кунга қадар мономарказни 159 нафар битирувчи тамомлаган ҳам ўз холига ташлаб қўйилмади. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда битирувчиларнинг бандлиги таъминланмоқда. Бу эса келгусида камбағалликни қисқартиришга хизмат қилади.

**Нозима РАСУЛОВА**  
Тошкент ҳақиқати/



Бугунги кунда мамлакатимизда 9 минг 255 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, улардан 1 минг 545 тасида марказлашган сув тармоғи мавжуд эмас. Шу са-

сидаги ижтимоий объектларда ҳам мазкур соҳада хизмат кўрсатиш талаб даражасида деб бўлмайди. Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан келгуси икки йилда 2 мингта боғча, мак-

муаммолардан бири бўлиб, йиғилишда дарёлар ва ер ости сувларини асраш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Юқорида келтирилган муам-

ханизм киритиш орқали жорий этилмоқда. Бунда, авваламбор, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш хизматлари соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари,

**Меҳнат жамоаларида**

**БОШЛАНИШИ ЧАККИ ЭМАС**

2022 йилнинг январь ойида Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан барча ишлаб чиқариш башорат кўрсаткичлари бажарилиши баробарида экспорт бўйича ҳам салмоқли натижа қайд этилди.

Жумладан, январь ойи бўйича 46 миллион 80 минг долларлик маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилган эди. Амалда эса 71 миллион 70 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Режа эса 154,2 фоизга бажарилган. Бу ҳақда ОКМК ахборот хизмати маълум қилди.

Маҳсулотлар кесимида қарайдиган бўлсак, 5 минг 80 тонна мис маҳсулотлари импортёрларга етказиб берилган. Режа эса 123,9 фоизга уддаланган. Мис катоди экспортида ҳам юқори самарадорликка эришилган. Режа 143,1 фоизга бажарилган ҳолда 5 минг 9 тонна маҳсулот харидорларга юборилган.

Яна бир юқори самара-

дорлик рух маҳсулотларининг экспортида ҳам кузатишган. Хусусан, ушбу йўналишда режа 198,7 фоизга уддаланган. 4 минг 967 тонна рух маҳсулотлари импортёрларга етказиб берилган.

Мис купороси, кадмий, вольфрам, цемент, молибден маҳсулотлари, кўрғошин концентрати каби маҳсулотлар экспортида ҳам қўзланган натижага эришилган.

Айтиш лозимки, ОКМК маҳсулотлари асосан Туркия, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозғистон, Болгария, Озарбайжон, Қирғизистон, Украина, Польша, Тожикистон, Индонезия, Нидерландия, Хитой, Туркменистон ва Афғонистон каби давлатларга сотилмоқда.

**ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ: БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ**



бабли, тегишли давлат органи раҳбарларига маҳаллалардаги имкониятларни ўрганиб, уч хил йўналишда ичимлик суви таъминотини ташкил этиш бўйича таклиф берилди.

Афсуски, мамлакат миқё-

таб ва тиббиёт муассасаларини ичимлик суви билан таъминлаш зарурлиги таъкидланиб, бунинг молиявий манбалари белгиланди.

Шунингдек, ичимлик суви манбалари бўлган ер усти ва ости сув захираларини муҳо-

волатли давлат органларининг ваколат доиралари, хизмат кўрсатиш корхоналари ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилмоқда. Соҳани кескин ривожлантиришда бозор механизмига, хусусий ҳамда давлат-хусусий шерикликни жорий этишга йўналтирилган ҳуқуқий асослар ва ичимлик суви ташийдиган транспорт воситаларига аҳолига етказиб бериладиган ичимлик суви нархини сунъий равишда кўтарилиб кетишининг олдини олувчи нормалар киритилмоқда.

Шунингдек, лойиҳага истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган

таъминоти натижасида жисмоний шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш механизми очиб берувчи нормалар ўз аксини топган.

Мухтасар айтганда, янги ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга кириши ва амалиётга кенг татбиқ этилиши мамлакатимизда ичимлик суви таъминоти соҳасидаги янги хизматлар бозорини ривожлантиришга, пировард натижада эса фуқароларни қулай ва ҳафсиз ичимлик суви билан таъминлашга хизмат қилади.

**Моҳира ХОДЖАЕВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Махлиси Қонунчилик**  
**палатаси депутати**

**Иқтидор**



**Оҳангаронлик Захро Лондонда Ғолиб бўлди**

Мамлакатимизда ёшларнинг иқтидорини юзага чиқариш, уларни тўғри йўналтириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшлар халқро майдонларда ўзларини кўрсатишмоқда.

Виллоятимизда ҳам бундай ёшлар кўп. Хусусан, Оҳангарон шаҳрилик Захро Мазмуронова эндигина 14 ёшга тўлган бўлсада фортепьяно чалишда арзигулик ютуқларга эришди.

Қизим жуда кичиклигидан мусиқа тинглашни яхши кўрарди, – дейди Захронинг онаси Нилуфар Акбаралиева. – Айниқса, фортепьянода чалинган куйларни эшитганда, кўзлари порлаб кетарди. Фарзандимизнинг қизиқишини инобатга олиб, уни мусиқа мактабига олиб бордик. Устозларидан миннатдорман. Улар қизимнинг иқтидорини тўғри йўналтиришди.

Захро 2015 йилдан Оҳангарон шаҳридаги Ботир Зокиров номи Болалар мусиқа ва санъат мактабига фортепьяно йўналишида устози Иззат Матякубовдан таҳсил ола бошлади. Унинг оҳангларни дарров ўқиб олиш қобилияти устозларини ҳам ҳайрон қолдирарди. Захро қисқа фурсатда анчайин қийин куйларни маҳорат билан чалиб, кўпчилигининг эътиборига тушди.

Устозлари уни шаҳар ва виллоят миқёсидаги фестивал ва танловларга юборишди. Захро ҳар доим юқори ўринларни эгаллаб, устозлари ишончини оқлади.

Айниқса, ўтган йилнинг сўнгги ойи Захро ва унинг устозлари учун унутилмас бўлди. Гап шундаки, Захро 2021 йилнинг 25-30 декабрь кунлари Лондон шаҳрида ўтказилган "INTERNATIONAL FESTIVAL ART IN LONDON" халқро фестивалида бастакор Меҳрож Мухторовнинг "Валс август" асарини ижро этиб, жаҳоннинг 50 дан ортқ давлатларидан келган иштирокчилар орасида фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Захро ҳозирда 15 га яқин куйни тўлиқ маромига етказиб чала олади. Унинг ўзига яраша орзулари бор.

– 2022 йилда бир неча халқро фестивалларда иштирок этиш ниятидаман, – дейди Захро. – Келажакда бастакор бўлишни, бетақор куйлар яратишни орзу қиламан. Бунинг учун ўқиб, изланиб, тинимсиз меҳнат қилишим керак.

**Сухробжон САДИРОВ**  
*Тошкент ҳақиқати*

**Умра-2022**

**Зиёратчилар муборак сафардан қайтишди**

Аввал хабар берганимиздек, жорий йилнинг 4 февраль куни виллоятимизнинг биринчи ва иккинчи гуруҳ зиёратчилари Умра сафарига жўнаб кетишган эди.

Куни кеча дастлабки зиёратчилар муқаддас Умра сафарини яқунлаб, Ўзбекистонга соғ-омон қайтиб келишди. Зиёратчиларни Тошкент халқро аэропортида Тошкент виллоят ҳокимлиги Хаж ва Умра сафарларини мувофиқлаштириш комиссияси аъзолари ва тегишли масъуллар кутиб олишди.

Зиёратчилар сафар таассуротлари билан ўртоқлашиб, оғир пандемия шароити бўлишига қарамай, давлатимиз томонидан олиб борилган ишлар натижасида уларга Саудия Арабистонида муқаддас амалларни бажаришлари учун қулай шарт-шароитлар яратилгани, шунингдек, кузатиш ва кутиб олиш жараёнларидаги енгилликлар учун масъулларга миннатдорлик билдиришди.

– Энг аввало, бизга шундай



имкониятлар яратиб бераётганлари учун Президентимизга катта раҳмат, – дейди зиёратчи Алишер Хусанов. – Биз Умра зиёратидан юртимизга тинчлик, дастурхонларимизга тўкин-сочинлик сўраб, дуолар қилдик.

"Умра – 2022" тадбирининг дастлабки босқичида 2020 йилнинг март ойига қадар тўловларни

амалга оширган, лекин пандемия сабабли зиёратга бора олмаган фуқароларнинг Саудия Арабистонига бориб келишлари кўзда тутилган. Тадбирнинг кейинги босқичларида эса Ўзбекистон Муслмонлари идораси томонидан янги тўлов нархи белгиланган ҳолда Умра сафарига бориш истагида бўлган фуқаролар учун тўлов амалиётлари очирилиши ҳамда уларнинг ҳам зиёратга юборилиши режалаштирилган.

Шу ўринда, Умра сафарлари пандемия даврида ташкил этилаётганини инобатга олган ҳолда зиёратчилардан Саудия Арабистони ҳукумати томонидан қўйилган карантин талабларига қатъий риоя этишларини, ўзлари ва атрофдагиларнинг соғлиқлари учун бефарқ бўлмасликларини сўраб қоламиз.

**М. МАНСУРОВ,**  
**виллоят ҳокимлиги жамоат ва**  
**диний ташкилотлар**  
**билан алоқалар бўйича**  
**котибият мудир**

**Дарвоқе**

Ҳар бир иборанинг шаклида у пайдо бўлган даврга хос воқеликнинг изи акс этиши мумкин. Абдулла Қаҳҳорнинг "Кампирлар сим қоқди" номли ҳикоясида Иккинчи жаҳон уруши йилларида бешта кампирнинг биргаликда ипак курти боққани, мўл пилла етиштириб, фронтга ёрдам бергани тасвирланган.

**"СИМ ҚОҚДИ" НИМА ДЕГАНИ?**

Ҳикоя охирида колхоз раиси кампирларнинг бу ютуғи ҳақида Тошкент радиосига "сим қоқди", яъни телефон орқали хабар қилади.

Ҳозир ҳам айрим мўйсафидлар: "Сим қоқиб, дарагини айтиб қўярсиз", деб тайинлашади. Хўш, телефон қилиш нима сабабдан "сим қоқди" тарзида ифодаланган? Бу ибора қандай келиб чиққан?

Бизнингча, бунга ХХ асрнинг ўттинчи йилларида ҳаётимизга кириб келган бир янглик сабаб бўлган. Кекса одамлар яхши хотирлайди – йирик шаҳарларда эндигина автобус қатнови йўлга қўйилган даврда у маданий улов тури, цивилизациянинг зўр ютуғи саналган. Худди самолёт йўловчилари сингари, ҳамма чиптасида кўрсатилган жойда ўтирган, ортқча билет сотилмаган. Салонда ҳозиргидай бақириб-чақиритилар, "Хой шўпир, тўхтат, тушаман!" деб айюҳаннос солишлар мумкин бўлмаган. Кимдир тушмоқчи бўлса, автобус салонининг икки томонига деразалар устидан тортилган симнинг ўзи ўтирган томонидангина қоқар, шунда симнинг кабинадаги учига осилган кўнгирак жаранглаб, ҳайдовчини огоҳ этарди (у замонда салон электрлаштирилган эмас, кнопка қўйиш илжисиз эди). Ўртароқдаги одамлар эса ёнидагилардан: "Симни қоқиб юборинг, мён тушмоқчи эдим", деб илтимоқ қилган. Сим қоқиш – хабар беришни аниқлаш.

Сал кейинроқ Ўзбекистонда телефон оммалаша бошлади. Бунда ҳам аввал кўнгирак жаранлагани ва одамлар сим орқали алоқа қилгани боис, аналогия усулида "сим қоқиш" деб аталиб кетган.

**Зухриддин ИСОМИДДИНОВ,**  
*адабиётшунос*

**Эълонлар**

**"BIZNES FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI" MЧЖ**  
**Жамиятнинг 2021 йилги бухгалтерия баланси**

(минг сўмда)						
№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	1 703 393,00	1 687 740,00	Устав капитал	9 770 889,00	11 000 000,00
2	Узоқ муддатли инвестициялар	0,00	0,00	Қўшилган капитал	1 565,00	1 565,00
3	Капитал қўйилмалар	0,00	0,00	Резерв капитал	220 496,00	405 517,00
4	Товар-моддий захиралари	4 778,00	5 683,00	Таксимланмаган фойда	3 791 346,00	5 427 568,00
5	Дебиторлар	337 800,00	408 064,00	Максади тушум ва фондлар	0,00	0,00
6	Пул маблағлари	187 176,00	468 667,00	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	0,00	0,00
7	Қисқа муддатли инвестициялар	13 266 221,00	26 397 950,00	Узоқ муддатли мажбуриятлар	2 241 044,00	11 919 802,00
8	Жорий активлар	674 050,00	1 169 149,00	Жорий мажбуриятлар	148 078,00	1 382 801,00
	Жами, активлар	16 173 418,00	30 137 253,00	Жами, пассив	16 173 418,00	30 137 253,00

**Жамиятнинг 2021 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи**

(минг сўмда)		
Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	14 234 987,00	
Сотишган маҳсулотлар таннархи		
Маҳсулот сотишдан тушган ялпи фойда	14 234 987,00	
Давр харажатлари, жами:		3 413 564,00
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	2 823 898,00	
Валюта курслари фарқидан даромад	86,00	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	13 645 407,00	
Фоишлар шаклидаги харажатлар		1 575 256,00
Валюта курслари фарқидан зарар		
Даромад солиғи тўлашга қадар фойда	12 070 151,00	
Даромад (фойда) солиғи		1 821 792,00
Фойдаланган бошқа солиқлар ва йиғимлар		
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	10 248 359,00	

Жамиятнинг 2021 йилги молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари АЖ шаклидаги «TRANS-AUDIT-A» аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувдан ўтказилган.

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари жамоаси таҳририятда кўп йиллар самарали фаолият юритган меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

**Абдувоҳид МИРЗААХМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқинлари ва шогирдларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Пискент туманидаги "Лолаарик" маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси меҳнат фахрийси, маҳалла фаоли Абдулла Эшонқулговга турмуш ўртоғи

**Гулнора АЮПОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



# ОНА ДИЁРИМИЗ ОСТОНАСИ

## ПСКОМДАН БОШЛАНАДИ

### МАЙТУ мухаббат ҲИКОЯТИ

... У ернинг одамлари меҳнатни севади, яшаб турган ҳудудга меҳри ўзгача, ҳар кенгликда ўз номига монанд жойлар бор, тоғларига қуёш яқин келиб юз очади, ҳар тошида бир ҳикмат бор, табиати ҳўп мўъжизакор.

Тоғлар томон яқинлашиб бораверсангиз, Пском қишлоғидан юқорироқда, 2 соатлик йўл ниҳоясида бетакор бир манзил бор. Дарёнинг ўнг қирғоғидаги Қорақизсой номи билан аталадиган бу ҳудуднинг гўзал ҳикоятлари бор.

Улардан бирини шундай ривоят қилишади: — Қўшни юртнинг паҳлавон йигитларидан бири Одина исмли гўзални севиб қолибди. Йигит қизнинг мухаббатини қозонибди. Бироқ, севишганларнинг мухаббатига раҳна тушибди. Ота-оналару, ака-укалар Одинани паҳлавон йигитга беришни истамадилар.

Икки ёшнинг эса қочибдан бўлак олоқи қолмагач, тоғлар оша йўлга чиқибдилар. Бироқ, акалар севишганларни Пском дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган бир манзилда қувиб етибдилар. Аввал сингил, ундан пастроқда эса ошқ йигит акалар кўлида ўйнаган қилч зарбидан ҳалок бўлибдилар.

Қиз йиқилган ҳайбатли тошлар орасидан сув отилиб чиқибди. Пском дарёси томон йўналган сув бир мухаббат тарихидан ҳикоя қила-қила йигитни излаб борармиш. "Одинаулгансой" деб ном олган манзилдан оқадиган сув ҳам ёрига нима бўлганини билмай жон ҳалок бўлармиш.

Бир-бири билан учраша олмай дарёга етганча ором топар эмишлар...

Бу ерда икки кун давомида фуқаролар мурожаатларига ечим топиш, фахрийлар ва ёшлар билан қизиқарли гурунлар, маданий-маърифий, спорт тadbирлари, шунингдек, кўпқари, интеллектуал ўйинлар, экзотик маросимлар ўтказилди.

Тadbирга таклиф этилган журналист ва блогерлар ўтирган автоқарвон ҳаяжонли ва шуқуҳли лаҳзаларни ёритиш учун шошади...

Йўл хийла оғир. Лекин, тadbирга бевосита гувоҳ бўлиш иштиёқи баланд. Зойир Мирзаев Пском сафари олдидан Боғистон қишлоғи нурунийлари билан учрашиб, суҳбатлашди.

Шундан сўнг ҳоким бошчилигидаги вилоят фаоллари ҳудуддаги Шайх Умар Валий қадамжосини зиёрат қилишди. Ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилиниб, эл тинчилиги, аҳоли фаровонлиги, ёшлар камолоти, нурунийлар ҳаловатини сўраб дуолар қилинди.

Зойир Мирзаев қаерга бормасин, биринчи навбатда одамлар дardini тинглашга интилади. Пском сафарида ҳам худди шундай бўлди.



Қишлоққа етиб келган вилоят ҳокими аҳоли дарҳол ўраб олди.

Кўп йиллик танаффусдан сўнг вилоят раҳбари келган қишлоқда нима муаммолар бору нималар ўзгаради?

Одамларни тинглаш кўнгилда бўлса, жой ҳам, пайт ҳам танланмайди. Қорли майдон, муваққат ўтов, гуруллаб ёнаётган печка. Ҳаммаси оддий, безаксиз. Энг муҳими, одамлар бу учрашув самимиятини юрак-юракдан ҳис қилишиди.

Вилоят етакчиси тоғликлар мурожаатини тинглаб, мутасаддиларга кўтарила-

ётган масала ва муаммолар юзасидан тезкор топшириқлар берди.

Хусусан, субсидия асосида уй сўраган Саҳобат Норметованинг мурожаати вилоят ҳокими томонидан ҳал қилиб берилди. Унга Бўстонлик тумани марказидан 1 хонали уй бериладиган бўлди.

Зойир Мирзаев фуқаролар қабулидан сўнг аҳоли хонадонларида бўлиб, одамларнинг турмуш тарзи, яшаш шароитлари оилаларнинг тирикчилиги, фарзандлар тарбияси билан қизиқди. Оилаларга совғалар тортиқ қилди.

**Иккинчи кун...**  
Пскомда мунаввар тоғ отди. Шоир ёзганидек:  
Тоғ ортидан мўралаб аста,  
Чиқиб келар саҳнага қуёш...

"Қуртова" ичганлар ва ичмаганлар...



Сиз дунёда неча юзлаб таом борлигини билишингиз мумкин, аммо пскомликлар нуноштага тайёрлайдиган "қуртова"ни татиб кўрмаган бўлсангиз керак.



Тоғ қурутини майдалаб, сувда қайнатиб, устига эритилган қув сариёғини қўшиб тайёрланадиган бу таомни дунёнинг энг антиқа таомлари рўйхатига киритса бўлади.

Бу экзотик таомни бир ҳўплаб хаёлимизга шундай ташбех келди: назаримизда ер юзи аҳолиси икки тоифага бўлинади: "қуртова"нинг мазасини биладиганлар ва билмайдиганлар...



Гулхан атрофида...

Кечга томон гулхан атрофида гурун қизиди. Жонли ижродаги қўшиқлар кўнгиллари тўлқинлантириб юборди.

"Яна баҳор қайтармикан, сен қайтмасанг..."

Қишлоқ аҳли ва йиғилганлар қўшиққа жўр бўлишди... Эҳ-ҳе, гулхан атрофидаги мушоира, шўх шаън рақслар, куй-қўшиқлар узоқ вақт пскомликларнинг ёдида қоладиган шуқуҳли лаҳзаларга бой бўлди.

Ажойиб ўтган кун, маърифий тadbирлар, самимий гурун ва мулоқотлардан сўнг вилоят ҳокими бошлиқ сектор раҳбарлари, ташкилот ва бошқарма раҳбарлари қишлоқ хонадонларида тунаб қолишди.

### Пскомликлар учун кутубхона ташкил этилди

Вилоят раҳбари ташаббуси билан қишлоқ мактабида аҳоли учун кутубхона ташкил этилди.

Янги жавонлар ўрнатилган кутубхонага ўзбек, тожик ва рус тилидаги бадиий, илмий ва болаларбоп китоблар тўхта қилинди.



### Аҳоли билан учрашув чодирда давом этди

Иккинчи кунги аҳоли билан учрашув махсус чодирда давом этди. Қабулда аҳоли вилоят ҳокимига кўплаб масалалар билан мурожаат қилди.

Хусусан, Жумабой Саримсоқовнинг томорқачилик йўналишидаги фаолиятини кенгайтириш бўйича мурожаати жойида ечим топди. Ҳамида опа Мираҳмедова турмуши бузилган қизи учун ёрдам сўради.

— Қизингизга уй қуришда амалий кўмак берамиз. Маблағ ажратамиз, — деди Зойир Мирзаев.

— Баликчилик билан шуғулланмоқчиман, — деди Савалди Ушебаев. — Шу масалада вилоят ҳокимига мурожаат қилдим. Масаланинг ечими шу жойнинг ўзида ҳал қилиниб, тегишли ташкилотга топшириқ берилди.

Шунингдек, учрашувда асаларичиликни кенгайтириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тadbиркорлигини ривожлантириш борасидаги таклифлар кўриб чиқилди.

Жумладан, Отабек Рихсибековнинг меҳмон уйини ташкил этиш, Фарида Алижонованинг кредит асосида уй-жой олиш бўйича, шунингдек, бошқа фуқароларнинг турли ижтимоий масалалардаги ундан ортиқ мурожаатлари мутасаддилар томонидан назоратга олинди.

Зойир Мирзаев аҳоли мурожаатларини кўриб чиққанидан сўнг қишлоқ фаоллари билан ҳам суҳбатлашди.

— Имкон қадар бу қишлоққа тез-тез келишга ҳаракат қиламан, — деди вилоят ҳокими. — Бу ердаги айрим шароитлар бошқа ҳудудларда йўқ. Шу сабабли, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва оилалар фаровонлигини ошириш, даромад олиш керак.

Қишлоқда Алимжон Раҳаматов оиласи энг намунали деб топилди. Уларга вилоят ҳокими томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, вилоят етакчиси Бухоро вилояти Қорақўл туманидан келиб, қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилаётган оилага 10 млн. сўм пул ва қимматбаҳо совғалар берди.

Бундан ташқари, қишлоқдаги бир қатор оилаларнинг мактаб ёшидаги болаларига иссиқ кийимлар улашилди.

Саҳифа материалларини  
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,  
Элбек ШОИМҚУЛОВ  
тайёрлади  
Нозим АБДУЛЛА  
олган суратлар

### Пскомликларга йўлтанламас "Тез ёрдам" уловлари хизмат кўрсатади



Иккинчи кунни вилоят раҳбари Пском қишлоқ врачлик пункти фаолияти билан танишишдан бошлади. Тиббий кўрикка келган аҳоли вакиллари билан мулоқот қилди.

Пском оилавий шифокорлик пункти икки — "Пском" (Пском қишлоғи) ҳамда Дадабоев (Тепар, Такаёнғоқ, Уринғоч қишлоқлари) маҳаллалари фуқароларига хизмат кўрсатади.

Бу икки маҳаллада хо-

зири кунда 2 минг 453 нафар аҳоли яшайди. Улар орасида болалар, туғуруқ ёшидаги аёллар, 2-гуруҳ ногиронлари, болалиқдан туғма ногиронлар ҳам бор.

Бир кун аввал вилоят ҳокими мурожаат қилган фуқаро Шарофиддин Асомидиновга ногиронлик аравачаси топширилди.

Шунингдек, аҳоли талаби-

дан келиб чиқиб Такаёнғоқ ва Пском қишлоқ врачлик пунктларига тоғ шароитига мослашган махсус "Тез тиббий ёрдам" автомобили берилди.

Вилоят марказидан келиб, чекка қишлоқда аҳоли саломадлиги йўлида хизмат қилаётган шифокор Аҳмад Паттаева Зойир Мирзаев алоҳида раҳмат айтди.

### Қандингни ур, чавандоз!

Пскомдаги маърифий-спорт тadbирлари қор қоплаган кенг майдонда вилоят ҳокими соврини учун ўтказилган улоқ-кўпқари мусобақаси билан якунланди. Пском тоғларида отлар гупури, чавандозлар урҳоси! Бундан нафақат иштирокчиларнинг, балки томошабинларнинг ҳам юраги ҳаприқади...

кўпқарида зўр қатнашди, икки марта солим солди.

Темур Ташкент давлат аграр университетда ўқийди, бўлажак эколог. Кўпқарини эшитиб, от совутиб, курашга келибди.

Умуман, чавандозлик касб эмас, хобби, қизиқиш. Полвон ор учун курашади.



Muassis:  
**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
- Unnat MIRZAQULOV
- Hotamjon SAYDAHMEDOV
- G'afurjon MUHAMEDOV
- Mahmud TOIR
- Uskenboy ATEMOV
- Salom SAMADOV
- Ozoda PARPIBOYEVA
- Abdulla XURSANOV
- Mahmudjon BOLTABOYEV
- Ra'no TURDIBOYEVA
- Sergey MUTIN
- Zarifa ERALIYEVA
- Azamat KAMOLOV
- Bosh muharrir: G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:  
(71) 233-64-95  
Bosh muharrir o'rinbosari:  
(71) 233-70-10  
Mas'ul kotib:  
(71) 233-90-82  
Bo'lim muharrirlari:  
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08  
E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:  
(71) 233-54-10

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz  
Nabvatchi muharrir:  
Kumush EGAMBERDIYEVA  
Mas'ul kotib:  
Alloma AZIZOVA  
Nabvatchi:  
Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.  
Bosishga topshirildi — 21.30  
Nashr ko'rsatkichi — 205.  
Buyurtma G-235.  
4 162 nusxada chop etildi.  
Hajmi — 2 taбоқ. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.  
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida  
2011-yil 12-yanvarda  
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz:  
111500, Nurafshon shahri,  
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.  
Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.  
Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.  
Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
1 2 3 4 5 6